

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАУПОВА РАЪНО СОЙИБОВНА

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙНИНГ ИЖТИМОЙИЙ-ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Раупова Раъно Сойибовна

Хожа Исмаат Бухорийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 3

Раупова Раъно Сойибовна

Социально-философские взгляды Хожа Исмата Бухари 23

Raupova Ra`no Soyibovna

Socio-philosophical views of Khoja Ismat Bukhari 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАУПОВА РАЪНО СОЙИБОВНА

ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙНИНГ ИЖТИМОЙИЙ-ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fal203 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчехра Неъматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзматова Гулноз Мирахоровна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Каримов Сойимназар Каримович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил “4” июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-29-14, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 61 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил “23” июль кuni тарқатилди.
(2021 йил “23” июль даги 4 рақамли реестр баённомаси.)



Шодмонов К.Б.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

СХ

Саломова Ҳ.Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аждодлар маънавий меросини чуқур ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш масалалари инновацион тараққиётнинг назарий-методологик асоси сифатида қаралмоқда. Билимлар ворисийлигини таъминлаш, билим нормаларига амал қилишда тарихийлик тамойилига таяниш зарурати ошиб бормоқда. Айниқса, ўрта аср мутафаккирларининг олам ва одам, жамият ва уни адолатли бошқариш, иймон, эътиқод, виждон поклиги хусусидаги қарашларини, фаровонлик ва гўзалликка интилиш, гуманистик таълимотларини амалий фаолиятга жорий этиш масаласини долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса янгиланаётган жамият тараққиётига хизмат қиладиган мавжуд конструктив тенденцияларни такомиллаштириш, илм, ҳикмат ва маърифатни эгаллаган шахсни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга факторлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон илм-фанида олам ва одам, жамиятни адолатли бошқариш, ҳалоллик, инсонпарварлик, демократик мулоқот, илм, ҳикмат ва маърифатни эгаллаган комил инсон концепцияси муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, Хожа Исмаил Бухорий маънавий меросидаги адолатли жамиятни барпо этиш, замонавий шахс тарбиясидаги муаммолар ечимида дунёни билиш ва уни ўзгартириш, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка мойиллиги сабабларини очиқ бериш, ўзликни англаш, инсонпарварлик, тинчликпарварлик, бағрикенглик ғояларини ўрганиш, ижтимоий муносабатларда муроса маданиятига амал қилиш тамойиллари йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим концептуал аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аждодлар бой илмий-маънавий меросини ўрганиш, уларни ёшлар қалбига сингдиришга қаратилган маънавий-маърифий соҳаларда ҳамда юксак маърифатли шахсларни тарбиялашга оид қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Чунки, ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман”¹. Бу вазифаларни амалга ошириш буюк алломаларимиз, мутафаккирларимизнинг гуманистик моҳиятга эга маънавий мероси, тасаввуф фалсафасига оид таълимотларини тадқиқ этиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, диний ва дунёвий билимлар мутаносиблигини таъминлаш, маърифий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қиладиган Хожа Исмаил Бухорий маънавий меросини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 253

тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Хожа Исмаи Бухорийнинг ҳаёт йўли, шахсияти ва маънавий мероси хусусидаги тарихий, тазкиравий тусдаги маълумотлар Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Али Тақиуддин Кошонийнинг “Хулосат ул-ашъор ва зубдат ул-афкор”, Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим”, Абдулло Кобулийнинг “Тазкират ут-таворих”, Мирсаид Роқим Самарқандийнинг “Тарихи касира”, Лутф Алибек Озарнинг “Оташкада” асарларида ўз ифодасини топган².

Жаҳон илм-фанида мутафаккир мероси, темурийзодаларга бағишланган касидалари, бағишловларини тадқиқ этишда шарқшунос олимлар Е.Э. Бертельс, И.С. Брагинский, Ҳерман Вамбери, Аҳмад Карамий, К.Н. Зелинский, Л.И. Климович, А. Крымский, Ян Рипка, Эҳсон Ёршотир, А. Семёнов, Т.Г. Шевченколарнинг тадқиқотлари беқиёс аҳамиятга эга³.

МДХ олимларидан И. Мўминов, С. Айний, В. Абдуллаев, А. Қаюмов, А. Мирзоев, Х. Мирзозода, А. Жонфидо, Э. Рустамов, Р. Воҳидов, Т.

²Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. ЎзФАШИ, № 53. –Б.361; Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Форс-тожик тилидан Б.Аҳмедов таржимаси –Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. –Б. 221; Абдурахмони Жомий Баҳористон. Душанбе: Адиб, 1987. –Б. 37; Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13 том. –Т.: Фан,1997. –Б. 61; Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. –Т.: 2000. –Б.91; Али Тақиуддин Кошоний. Хулосат-ул-ашъор ва зубдат-ул-афкор. Санкт-Петербург оммавий кутубхонаси қўлёмалар фонди. Инв. рақ. 321. –Б.70; Абдулло Кобулий. Тазкират-ут-таворих. ТожФАШИ, № 138; Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим. ТожФАШИ, № 140.–Б.404 ; Шарафуддин ибн Аълам. Таърихи касира. СамДУ, № 176502.–Б.38.

³ Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии, –М.: 1956; Крымский А. История Персии, её литературы и дервишеской теософии. –М.: 1914-1917. –С.116; Климович Л.И. Хрестоматия по литературы народов СССР. –М.: 1947; Шевченко Т.Г. Назар дар таърихи адабиёти тоҷик. –Душанбе: Ирфон, 1966. – Б. 152-170; Зелинский К.Н., Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы, – М.: “Прогресс”, 1970. – С. 264-270.

Қораевларнинг Хожа Исмат Бухорий мероси билан боғлиқ изланишлари муҳим илмий - назарий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида бу мавзу тадқиқи борасида А. Мирсафоев, С. Бобокалоновларнинг филологик таҳлиллари юксак ижод ва орифона шеърятига холис баҳо беришда муҳим илмий қимматга эга.

Аммо, номлари қайд этилган етакчи олимларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, тадқиқотлар классификацияси шуни кўрсатадики, Хожа Исмат Бухорий мероси, шахсияти, айниқса, темурийлар даври ижтимоий-тарихий, адабий жараёнлар, адабий муҳит, қасиданавислик масалалари тадқиқ этилиб, унинг ижтимоий қарашларини фалсафий таҳлил этиш, уларнинг ахлоқий аҳамиятининг илмий жиҳатдан ўргинилмаганлиги бу борада илмий тадқиқотларни амалга оширишни кун тартибига қўймоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хожа Исмат Бухорий маънавий меросини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб бериш ва ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIV-XV аср Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий муҳит, Хожа Исмат Бухорий ижтимоий-фалсафий дунёқарашининг шаклланишига таъсир ўтказган илмий-назарий асосларни очиб бериш;

Хожа Исмат Бухорий ҳаёти, темурийлар саройидаги фаолияти ҳамда маънавий меросидаги ижтимоий-ахлоқий муаммолар, инсон қадри, адолат тамойилларига оид қарашларини илмий асослаб бериш;

Хожа Исмат Бухорий меросидаги маърифатли одил шоҳ, инсонпарвар жамият, фаровон ҳаёт ғояларини компаратив таҳлил этиш асосида ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш;

мутафаккирнинг тариқат аҳлига муносабати ва ирфоний-фалсафий қарашларининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

Хожа Исмат Бухорий илоҳий ишқ ва инсон камолоти ҳақидаги қарашларининг ижтимоий-ахлоқий жиҳатларини аниқлаш;

мутафаккир меросидаги ахлоқий-тарбиявий ғоялар асосида ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Хожа Исмат Бухорий ижтимоий-фалсафий адабий ва маънавий мероси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Хожа Исмат Бухорий илмий меросининг баркамол инсонни тарбиялашдаги маънавий моҳиятини ва уларнинг ривожланиш хусусиятларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, герменевтик каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Девони Хожа Исмат” асаридаги инсон, жамият ва уни адолатли бошқариш, инсон манфаатларини таъминлаш хусусидаги ижтимоий қарашларининг халқ билан мулоқот, адолат ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш ғояларига ҳамоҳанглиги мантиқий далиллар воситасида асосланган;

Хожа Исмат меросидаги олам, одам, борлик, ҳақиқат тўғрисидаги фалсафий ғояларининг тасаввуфий таълимотлардаги ладуний илм, тавҳид, рух, қалб, маърифат тушунчалари билан ўзаро алоқадорлиги қиёсий таҳлил асосида аниқланган;

Хожа Исмат Бухорийнинг етуклик ва донишмандлик, комил инсон ҳақидаги қарашларида буюк шахсларнинг “ахлоқий идеал” эканлиги унинг “Амир Темур” марсияси, “Мирзо Улуғбек” ва “Муҳаммад Порсо” қасидалари асосида очиб берилган;

Хожа Исмат Бухорийнинг комил инсон концепциясидаги илм, амал, фаол меҳнат, қаноат, маърифатли бўлиш ҳақидаги ғоялари асосида ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш ва соғлом дунёқарашни шакллантириш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий таълимотидаги ғоялар ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга, ижтимоий фаол бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш, маънавий дунёқарашининг юксалишига, руҳий-маънавий оламини бойишига ижобий таъсир қилиши асосланган;

буюк маънавий меросимизнинг тасаввуфий таълимотлари ёшлар онгига ижобий таъсир этиши, турли мутаассиб диний оқимларнинг ғояларига қарши курашувчи мустаҳкам мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга хизмат қилиши мантиқий далилланган;

Хожа Исмат Бухорий маънавий меросидаги ижтимоий-фалсафий ғоялар асосида “Ижтимоий ҳаёт ва дин”, “Шарқ фалсафаси ва маданияти” ва “Нақшбандия тариқати асослари” фанларининг мазмунини такомиллаштиришга ҳамда ўқитиш сифатини оширишга оид назарий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

миллий, илмий меросимизни жаҳонга тараннум этиш, ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш, янги Ўзбекистон маънавий қиёфасини шакллантириш ва зиёрат туризмини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган монография ва илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлар, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фалсафа тарихи таҳлили, жумладан, Хожа Исмат Бухорий ғояларининг илоҳий ишқ, ладуний илм, ҳақиқат, вафодорлик, фаровонлик ва ғўзаликка интилиш, жамият ва уни адолатли бошқариш, виждон поклиги тамойилларини шакллантиришдаги тарбиявий аҳамиятини очиб беришда, ёшларни билимли ва фазилатли этиб шакллантириш, тасаввуфдаги муроса, бағрикенглик, сабрлилик, шукроналик фазилатларининг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унинг натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва амалий таклифлардан маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришда, “Маънавият ва маърифат” марказларининг ғоявий-тарғибот фаолиятида, Ислом цивилизацияси марказларининг фаолиятини ташкил этишда, тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдиришга оид амалий лойиҳаларни бажаришда, маданий мерос объектларининг каталоглари ва фондларини бойитишда, туризм соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хожа Исмат Бухорийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини тадқиқ этиш жараёнида:

“Девони Хожа Исмат” асаридаги инсон, жамият ва уни адолатли бошқариш, инсон манфаатларини таъминлаш хусусидаги ижтимоий қарашларининг халқ билан мулоқот, адолат ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш ғояларига ҳамоҳанглигига оид хулосалардан “Фалсафа”, “Ислом фалсафаси”, “Нақшбандия тариқати асослари” ва “Ижтимоий ҳаёт ва дин” фанларининг мазмунини такомиллаштириш ва Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот маркази Бухоро вилоят бўлимининг “Дунё ёшлар нигоҳида” мавзуидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 89-03-3121-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг ижодий ва касбий фаолиятини таъминлашга, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга, бузғунчи ғояларга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга, ёшларнинг руҳий ва маънавий оламини бойишига хизмат қилган;

Хожа Исмат меросидаги олам, одам, борлик, ҳақиқат тўғрисидаги фалсафий ғояларининг тасаввуфий таълимотлардаги ладуний илм, тавҳид, руҳ, қалб, маърифат тушунчалари билан ўзаро алоқадорлигига оид назарий хулоса ва тавсиялардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, руҳий-маънавий муҳит ва бетакрор мерос асосида билим ва тажриба, касб малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий ишларни амалга ошириш, каталоглар, альбомлар, илмий-методик манбалар базасини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 6 октябрдаги 02/292-сон маълумотномаси). Натижада

ёшлар онгида ислом динининг асл моҳияти ва тасаввуф тўғрисида билимларнинг шаклланишига, уларни ислом дини нуқоби остидаги бузғунчи ёт диний ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятнинг такомиллашишига хизмат қилган;

Хожа Исмат Бухорийнинг етуклик ва донишмандлик, комил инсон ҳақидаги қарашларида буюк шахсларнинг “ахлоқий идеал” эканлиги унинг “Амир Темур” марсияси, “Мирзо Улуғбек” ва “Муҳаммад Порсо” қасидалари асосида очиб берилган хулоса ва тавсиялардан Бухоро давлат музей-қўриқхонаси, Арк ўлкашунослик музейи экспозицияларнинг экскурсия матнларини ва этикетларини янги маълумотлар билан бойитиш фаолиятида, қўлёзмалар каталоги, альбомлар, ахборот-ресурс базасини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 01-12-02-3912-сон маълумотномаси). Натижада миллий, илмий меросимизни жаҳонга тараннум этишга, ёшларда буюк маънавий меросимизга нисбатан ҳурмат ва ифтихор ҳиссини оширишга хизмат қилган;

Хожа Исмат Бухорийнинг комил инсон концепциясидаги илм, амал, фаол меҳнат, қаноат, маърифатли бўлиш ҳақидаги ғоялари асосида ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш ва соғлом дунёқарашни шакллантириш тамойилларига оид ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 июнь 2020 йилдаги ПҚ-4768-сон қароридаги ёшлар муаммоларини тизимли ўрганиш ва уларни ҳал этишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва ёшлар соҳасидаги ишларни самарали йўлга қўйишга қаратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, анжуманлар, “давра суҳбатлари” ва илмий-амалий семинарлар ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2020 йил 5 сентябрдаги 01/4-02-23-166-сон маълумотномаси). Натижада комил инсон концепцияси, тасаввуф назарияси, ҳикмат ва маърифатни шакллантиришга қаратилган фаолиятнинг самарадорлигини ошишига ижобий таъсир кўрсатган ва ёшлар онгида минтақамизга хос тасаввуф таълимотларининг маънавий ҳаётимизга позитив таъсири, турли мутаассиб диний оқимларнинг ғояларига қарши курашувчи мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (хусусан, 5 та республика ва 2 мақола хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Диссертациянинг **“Хожа Исмат Бухорий – темурийлар даври мутафаккири”** деб номланган биринчи бобида мутафаккир ҳаёти, у яшаган даврнинг ижтимоий-маънавий муҳити, дунёқарашининг ғоявий манбалари, унга таъсир кўрсатган шарт-шароит ва омиллар, маънавий меросининг ижтимоий-фалсафий ғоялари таҳлил қилинган.

Хожа Исмат Бухорийнинг ўрта асрнинг мураккаб ва зиддиятли даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон маданий муҳитида ўзига хос ўринга эга бўлган, темурийлар даври юксалишларига муносиб ҳисса қўшган, иккинчи Ренессанс даври мутафаккири, темурийзодалар устози, мударрис, шоир ва олим эканлигини тарихий манбаларга таяниб асосланган. Унинг тўлиқ исми шарифи Хожа Фахриддин Исматуллоҳ бинни Хожа Масъуд Исмат Бухорийдир. У “Насирий” ва “Исमत” лақаблари билан асарлар ёзган. Мутафаккир (1365-1374 йй.) Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Манбаларда келтирилишича, Хожа Исмат Бухорийнинг отаси Хожа Масъуд Бухоронинг хурматга сазовор фозил кишиларидан бири бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий “Ва дар хитгаи Бухоро обову аждоди Хожа Исмат мардумони бузург ва фозил буданад, ва падари у Хожа Масъуд акобири Бухорост”⁴ яъни, Хожа Исматнинг авлод-аждодлари Бухоронинг улуғ ва фозил кишиларидан бўлган. Унинг отаси Хожа Масъуд Бухоронинг акобирларидандир.

Тадқиқотда Хожа Исмат Бухорий дастлабки таълим ва тарбияни ўз оиласи муҳитида такводор отаси Хожа Масъуддан олганлиги, унинг Бухоро мадрасаларида Қуръон, ҳадис, фикҳ, риёзиёт, адабиёт, аруз, тарих илмларидан таҳсил олганлиги таъкидланган. Унинг дунёқарашада Қуръон ва Сунна асосий ғоявий манбалар ҳисобланади. Мутафаккирнинг адабиётга қизиқишини ортиши, шоир бўлиб етишишида ўз даврининг маданий, илмий муҳити, қасиданавислик анъаналари, шоирлар Комил Бадахший, Саккокий мунажжимлар Мавлоно Аҳмад ва Мавлоно Абдуллоҳлар билан замондошлиги, нақшбандия таълимоти намояндаси Хожа Муҳаммад Порсо билан маслакдошлиги, олимлар Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший Мирзо Улуғбек ва Али ибни Муҳаммад Қушчиларга устоз-шоғирдлик

⁴ Бухорий Хожа Исмат. Девон. -Душанбе: Истеъдод, 2020. - Б. 3.

даражаларидаги яқин алоқалари муҳим ўрин тутган. Шунингдек, Абдурахмон Жомий фикрича, Хожа Исмаат Бухорий меросида Хусрав Дехлавийнинг таъсири сезилади. Жомийнинг “Баҳористон” асарида “Хожа Исмаат Бухородандир ва Амир Хусрав Дехлавий ғазалига татаббуъ қилган”⁵ деган фикрларидан англаш мумкин. Ўз даврида Бисотий Самарқандий, Хаёлий Бухорий, Рустам Хуръёний, Тоҳир Абевардий, Бурундук Бухорий каби шоғирдлари ҳам бўлган.

Хожа Исмаат Бухорий ёшлигидан жуда ўткир зеҳли, қобилиятли, нозик дидли, тафаккури теран, диний билимлар билан бир қаторда дунёвий билимларни ҳам мукамал билган. Амир Темур ва темурийзодаларнинг илм ва маърифатга, дину диёнатга хайрихоҳликлари даврнинг маданий юксалишларига, жамият маънавий ҳаётининг барқарорлашувига хизмат қилган. Баҳоуддин Нақшбанд, Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Алоуддин Ғиждувоний, Хожа Исмаат Бухорий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Фахруддин Али Сафий, Жалолиддин Давоний каби буюк алломаларнинг етишиб чиқишида ҳам тарихий шарт-шароит, объектив ва субъектив омиллар ўзига хос таъсир кўрсатганлиги тадқиқотда илмий асосланган.

Ислом дини ва таълимоти устувор бўлган ўрта асрнинг ўзига хос муҳитида калом, тасаввуф ва фалсафа жамият маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган. Чунки, ижтимоий маданий ҳаёт Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари турмуш тарзи, тафаккури Қуръон ва Сунна асосида шаклланган эди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг “Дил ба Ёр, даст ба кор” тамойили Амир Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-маънавий, ғоявий-мафкуравий негизлари сифатида амал қилар эди. Чунончи, Амир Темур ва темурийзодаларнинг шариат ва тариқат шайхларига эҳтиромлари, ихлослари баланд бўлиб, уларнинг маслаҳатлари ва дуоларини ўзларининг муваффақиятлари кафолати деб билганлар. Саройларига илмли, маърифатли улуғ кишиларни таклиф қилганлар. Алихон Жаҳонбодий “Ништари ишқ” асарида “Хожа Масъуд Бухоро ақобирларидан бўлган. Амир Хусрав Дехлавийга татаббуъси бор. Султон Халил ибн Мироншоҳ даврида саройда осуда ҳаёт кечирган”⁶, - деб таъкидлайди. Амирзодалар уларнинг диний, дунёвий, адабиёт, санъат борасидаги суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар. Фарзандларини уларнинг тарбияларига бериб, ҳурмат кўрсатганлар. Шулар қаторида Хожа Исмаат Бухорий ҳам темурийзодаларга мударрислик қилган улуғ устоз, мутафаккир шоир сифатида темурийлар саройида катта нуфузга эга бўлганлигини таъкидланади.

Диссертацияда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 25-9260, 805-Х, 1435, 2236-Х1, 4313-1 ва Тожикистон Республикаси давлат кутубхонасида 12, 401, 1771 рақамлар остида девонларининг нусхалари, шунингдек Бухоро вилоят Марказий

⁵ Чомй Абдурахмон. Баҳористон. -Душанбе: Адиб, 1987. –Б. 37.

⁶Жаҳонбодий Ҳусайнкулихон. Ништари ишқ, Тазкира. /Энциклопедияи тоҷикӣ. Боби сейӯм: Халқи тоҷик дар давлати Темур ва темурийён . - Душанбе, 1968.

кутубхонаси фондида “Зухури дувуми Хожа Исмат” девони сақланаётганлигини таъкидланган.

Хожа Исмат Бухорий нафақат темурийзодаларга таълим берган устоз, балки ўз даврининг илмларини чуқур эгаллаган олим, Мирзо Улуғбекнинг эхтиромига сазовор бўлган, Мирзо Улуғбек академиясининг вакиллари билан бири, мутафаккир, ориф шоирдир. Унинг меросидаги қасидалар, ғазаллар, рубоийлар, таркиббанд, мусаммат, қитъа, мухаммаслари темурийлар даври бадий тафаккурини бойитди. Мазкур назмий асарларининг асосий ғоялари даврнинг долзарб ижтимоий муаммолари ечими ва келиб чиқиш сабабларига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг ижтимоий-сиёсий йўналишдаги қарашларида жоҳил мансабдорлар, мутаассиб диндорларни танқид қилиш, бенаво-қашшоқлик сабаблари, ғоявий, ижтимоий-ахлоқий муаммолар асосий ўрин тутди. Ҳаётнинг маъноси, мазмуни унинг ўткинчи эканлиги, ҳою-ҳавасга берилмаслик, инсон қадр кимматини билиш, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, хокисорлик, адолат, маърифатли бўлиш каби ижтимоий-фалсафий ғоялар маънавий меросининг моҳиятини ташкил этади.

Хожа Исмат Бухорий темурийлар саройда нафақат мударрис, халқ табобати билан ҳам машғул бўлган. Халқ орасида у ўз даврининг кўзга кўринган табиби сифатида ҳам ном қозонган. Шунингдек, Хожа Исмат Бухорий Қозизода Румий⁷, Али Қушчи, нақшбандия пирлари Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсо⁸, истеъдодли шоирлар Комил Бадахший, Саккокий ҳамда темурийзодалар Шоҳруҳ Мирзо, Халил Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқалар билан ҳамсуҳбат ва маслақдош бўлган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратул шуаро” асаридаги “Хожа Исматнинг ошиқона ғазаллари ва орифона сўзлари Шоҳруҳнинг саройида шунчалик азим шуҳратга эга бўлдики, ҳали мутолаа ва малоҳатда ундай фозилни эслаб бўлмайди”⁹ - деган фикрларига таяниб, рус олими А.А.Семёновнинг¹⁰ Мулло Шарофиддин ибн Аъламнинг “Таърихи касира” тазкирасига асосланиб, Хожа Исмат Бухорийни “Маддоҳи салотин” яъни “Салтанат маддоҳи” (салбий маънода) сифатида ном чиқариб, ориятда Мирзо Улуғбек саройини тарк этиб ва узлатни ихтиёр этганлиги¹¹ ҳақидаги фикрини ҳақиқатдан йироқ эканлигини таъкидлаб, ўз даврида ва кейинги замонларда Хожа Исмат Бухорий ҳақидаги ижобий фикрларни манбалар билан асослаган.

⁷ Қозизода Румий (ваф. 1413 й.) XIV аср охирида Хуросон ва Мовароуннаҳрга келиб Темурнинг сарой астрономи Мавлоно Аҳмадан астрономия ва математика фанларидан чуқур маълумотлар олган.

⁸ Хожа Алоуддин Аттор Хожа Муҳаммад Баҳоуддиннинг биринчи шогирди, куёви ва бош халифа, Хожа Муҳаммад Порсо (Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз ал-Бухорий, Бухоро - 1345, Мадина -1419) иккинчи шогирд, содиқ мурид - нақшбандия тариқати пири.

⁹ Самарқандий Давлатшоҳ. Тазкират-уш-шуаро. ЎзРФА. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инти қўлёзмалар фонди. № 53. -361 в.

¹⁰ Қаранг: Семенов А.А. По границам Бухары и Афганистана. (Путевые очерки 1898 г.). I. Куляб. // Исторический вестник. № 3, 1902. Семенов А. А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. V. М.; Л.: Издательство Академии наук СССР, 1948. Арминий Вамбери: Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи (2 та китоб). Бухоро ва Мовароуннаҳр тарихи I ва II китоб. Нашриёт: Info Capital Group. - 520 б.

¹¹ Бу асар “Таърихи Саййид Роқим”, “Таърихчай Мир Саййид Роқим” номлари билан ҳам машҳур бўлган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” ва “Мезон ул-авзон” асарларида Хожа Исмат асарлари ва шахсиятига юқори баҳо берган, унинг истеъдоди ва нодир қобилияти борлигини алоҳида эътироф этган: “Хожа Исматулло Мовароуннаҳр бузургзодаларидандур. Зоҳир илмин такмил қилғондур. Ғоят хуштабълигинин ўзин шеърға мансуб қилиб, девони машҳур бўлди... Хожанинг қabri Бухорода ўз хужрасидадур”¹². Хондамир “Ҳабиб-ус-сияр” асарида:

Тарихи вафоти Хожа Исмат,
Ҳар кас ки шунид гуфт: “таммат”¹³.

Яъни, Хожа Исмат Бухорий вафоти абжад ҳисоби билан “таммат” хижрий 840 милодий 1436 йилларга тўғри келиши асосланган.

Хулоса сифатида Хожа Исмат Бухорий Амир Темур ва темурийлар даврининг йирик мутафаккир шоири, мударрис, Мирзо Улуғбек академияси вакиллари билан бири эканлигини, зуллисонин шоир, ирфоний-фалсафий ғазаллар, рубоийлар, ахлоқий-тарбиявий қасидалар ёзган. Уларнинг ҳажми 10000 мисрадан ортиқ бўлиб, Хожа Исмат Бухорий нафақат мутафаккир шоир балки, халқ таъбири билан шуғулланган машҳур табибдир.

Диссертациянинг “**Хожа Исмат Бухорий маънавий меросида ижтимоий-фалсафий ғоялар таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида Хожа Исмат Бухорий меросидаги маърифатли одил шоҳ, адолатли инсонпарвар жамият, маърифатли инсон, фаровон ҳаёт, тариқат аҳлига муносабати ва ирфоний-фалсафий ғоялари таҳлил этилган.

Тадқиқотда Хожа Исмат Бухорий маънавий мероси темурийлар даври тафаккури маҳсули бўлиб, Амир Темурга марсия, Мирзо Шохруҳ, Халил Султон, Иброҳим Султон, Амирзода Бойсунғур, Шодмулк Оғо, Мирзо Улуғбекларга бағишлаб ёзилган қасидаларида, ғазаллари, рубоийларида салтанат ва ҳукмдор, халқ ва адолат, маърифат ва жоҳиллик, иймон ва эътиқод, шариат ва ахлоқ, тарбия ва таълим масалаларининг ўзаро алоқадорлиги ўзига хос тарзда ижтимоий-фалсафий ғоялари асосида талқин этилган. Мутафаккир темурийзодалар салтанати, жамият, халқ ҳаёти, ижтимоий муносабатларнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратган. Унинг фикрига кўра, жамият тараққиёти кўп жиҳатдан адолатли ҳукмдорга ҳам боғлиқдир. Хожа Исмат Бухорий Амир Темур вафотида бағишлаб ёзган марсиясида ҳукмдорнинг нақадар юксак ҳислат ва фазилатларга эга бўлганини ёзиш билан бирга адолатли подшоҳ ҳақидаги қарашларини ҳам баён қилган:

Дин эрди жустужўси, шаръий эди гуфтугўси,
Миллатининг обрўси, бурхон ўлди ғойиб.
Нўширавондек одил, ҳам олим эрди, фозил,
Ҳар ишда ақли комил, фарзон ўлди ғойиб.

¹² Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. 13-том. – Т.: Фан, 1997. – Б. 14

¹³ Гиёсиддин бин Ҳумомиддин Хондамир. Буюклик хислати “Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар”. Форс тилидан таржима муаллифи: Исмоил Бекжонов. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Т.: - 2011; Восточная литература: Средневековые исторические источники востока и запада/Хондемир. Суть традиций. Публикация 1834 г.. Часть 1; Часть 2; Часть 3. Публикация 2007 г. Хондамир. “Ҳабиб ус-сияр”, Ҳирот. 1520–1524 йй.

Давлатда ким Сулаймон, фитратда чун Афлотун,
Ҳикматда эрди гўё Лукмон ўлди ғойиб.
Эҳсонда мисли Ҳотам, шавкатда эрди чун Жам,
Зўрликда ҳам чу Рустам, паҳлавон ўлди ғойиб.
Ғайратда мисли арслон, дашт ичра ёки қоплон,
Баҳрда наҳангу саъбон, шубон ўлди ғойиб.
Фарзанди аҳли нўён, Тарағай Баҳодур ўғлон,
Саййид Амир Темурхон Кўрагон ўлди ғойиб¹⁴.

Демак, Амир Темур вафоти жуда катта йўқотиш эканлигидан Хожа Исмаат Бухорий ҳам қайғуга тушади. Темурнинг эътиқод ва иймон, дину диёнатда миллатнинг обрўси, далили эканлиги унинг мамлакатни ислом аҳкомлари асосида адолат билан бошқаргани, фитратда Афлотун, ҳикматда Лукмон, эҳсонда Ҳотам, ғайратда арслон, қоплондек, қудратда Рустам каби тенгсиз паҳлавон эканлигини салтанат эгаси худди шундай сифатларга лойиқ инсон бўлиши керак деган, ғояга йўл очади. Ҳар бир даврда халқ ва салтанат ўртасида мулоқотни амалга ошириш мутафаккир шоирлар, буюк шайхлар, донишмандлар, башоратгўйлар зиммасига тушган. Хожа Исмаат Бухорий ҳам ўз даврида темурийлар саройида яшаб, темурийзодаларга таълим берган, кейинчалик уларга ўзининг маслаҳатларини бериб давлат ишларида иштирок этган. Уларни маърифатли бўлишга, зулм ва зўравонликдан тийилишга, адолатли, инсонпарвар, саховатли, меҳр-муруватли бўлишга чақирган.

Хожа Исмаат Бухорий ўзининг қасидаларида шоҳларнинг диққатини ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий масалаларга ҳам жалб қилганлигини таъкидлайди. Мирзо Улуғбекнинг бобоси Амир Темур изидан бориб, мамлакатнинг равнақи учун илм-фан, маърифат, дину диёнат, ижтимоий-маданий ҳаёт, ички ва ташқи сиёсат масалаларига темурий зодагон ҳукумдорлар ўртасида ажралиб турганлигини уқтиради.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409-1449) Мовароуннаҳрда илм-фан, санъат ва адабиёт, фалакиёт тараққий этди.¹⁵ Хожа Исмаат “Дар бораи Улуғбек” қасидасида:

Улуғбек султоне, ки аз ҳайбати боисаш,
Зару боҳ амин чўяд, ба ҳар шабиҳи шери нар.
Чу Сукроту Букрот, баса човушу дарбон,
Чу Хуршеду Ҷамшидат, баса бандаву чокар.
Зи баҳси ту дар ҳайъат Арасту шавад мулзам,
Зи нутқи ту дар ҳикмат шавад бў Али маҳзар¹⁶.

Мазмунан таржимаси: Улуғбек шундай султондирким, унинг ҳайбатидан барча нафс қуллари эркак шердан кўрққани каби омонлик тилардилар. У Сукрот ва Букрот каби ҳикмат эшикларини очувчи, унинг эшигида Хуршид ва Жамшиддек буюк шоҳлар ҳам банда ва аскар бўлишга

¹⁴ Тошкандий Салоҳиддин. Темурнома. –Т.: Чўлпон, 1990. – Б. 327.

¹⁵Маънавият юлдузлари (Марказий Осиелик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). //Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев. Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашр. 2001. – Б. 172-180

¹⁶ Бухорий Хожа Исмаат. Девон. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. Техрон; Ишкон. – Б. 92.

ярайди. Унинг хайъатидан Арасту мулзам бўлди. Унинг ҳикматли нутқидан Ибн Сино махзар бўлди.

Хожа Исмаат Бухорийнинг Мирзо Улуғбекка ҳурмати жуда юксак даражада бўлган. Амир Темур вафотидан кейинги салтанатдаги ҳукмдорларнинг тез-тез алмашинуви, Халил Мирзонинг қисқа фурсатдаги ҳукмронлиги Хожа Исмаат Бухорийнинг темурийлар саройидан бир муддат узоқлашишига сабаб бўлди. Мирзо Улуғбек салтанатга келгандан кейин Хожа Исмаат Бухорийни яна саройга таклиф қилган. У ўзининг мударрислиги билан бирга темурийзодалар Халил Мирзо, Шохруҳ Мирзо ва Мирзо Улуғбекка бағишланган¹⁷ қасидалар, назмий асарлар ёзган.

Хожа Исмаат Бухорий нақшбандия тариқатига ихлос билан қараган. Ўзининг “Девони Хожа Исмаат” асарида нақшбандия тариқатининг йирик назариётчи олими Хожа Муҳаммад Порсога бағишланган “Дар ситойиши Хожа Муҳаммад Порсо” қасидасида ўзининг буюк муҳаббати ва эҳтиромини ифодалаганлигини таъкидлаган:

Сақфи Турат ар бигуям ту ба сад Тур Ирфойи,
Байтумаъмур ар бигуям з-у ба сад руйи анвари.
Соликин роҳи ирфон ро ту ийди Аъзами,
Зоирони Каъбаи жонро ту ҳажжи Акбари¹⁸.

Мазмунан таржимаси:

Тоққа ўхшатсам сени, чўққига етмас юзта Тур,
Байти Маъмурсан десам, юзинг ундан нурлидир.
Маърифат солиқларига Ийди аъзам Сен ўзинг,
Жон Каъбаси зоирларига Ҳажжи акбар Сен ўзинг.

Тадқиқотда Хожа Исмаат Бухорийнинг ирфоний-фалсафий қарашлари “Девони Хожа Исмаат” девонида баён этилган. Калом илмида эътиқод ва тасаввуфда мақсад ҳисобланган “Дар Тавҳид” яъни “Тавҳид” “Аллоҳнинг яккаю-ягонлиги” хусусидаги ирфоний тусдаги орифона ғазалларида ўз ифодасини топган. Унинг фикрига кўра, оламнинг асоси бирдан ортиқ эмас. Ерда ва осмонда ягона қонун амал қилади. Олам яратилган у илоҳий ҳикмат ҳосиласидир. Олам икки ҳарф ك “коф” ва ن “нун” яъни نك “кун” сўзи билан борлиқ “як рақам”, бир бўлиб қолди. Буни Хожа Исмаат Бухорий:

Санъатмусаввире ки зи таркиби Кофу-Нун,
Ажроми коинот падида орад аз одам.
Эй аз муҳити файзи ту гардун кафи Бухор,
В-эй аз ду ҳарф амри ту кавнайн як рақам.

Мазмунан таржимаси:

Мусаввир, санъаткор (Аллоҳ) ким Коф ва Нун таркибидан,

¹⁷ Техрон нашридаги девон қасидалари сони 81 та. Унинг энг кўп миқдори Халил Мирзога аталган (жами 41). Мирзо Улуғбекка бағишланган 13 қасиданинг сарлавҳасида замзамадорлик йўқ. Қолганлари шоир яшаган даврнинг нуфузли шахс ва зодагонларига – Маҳмудхожа, Иҳо Мағисуддавла, Балх ва ислом мулки васфида, Амирзода Жўги, Хожа Шамсуддин Маҳмуд, Хожа Лутфаҳхад, Амирзода Иҳо, Хожа Саъдридин Зангишоҳ, Шодимулк Оғо, Шохруҳ Мирзо Курағони, Амирзода Бойсункур кабиларга - биттадан жами 14 та, Хожа Зангишоҳга 2 та, Иброҳим Султон, шунингдек, қолган қасидалар пайғамбар Муҳаммад Мустафо ва куёвлари Али ибн Абутолибга бағишланган.

¹⁸ Бухорий Хожа Исмаат. Девон. -Душанбе: Истеъдод, 2020. - Б.182.

Бутун коинот жисмлари ва одамни вужудга келтирди.
Эй, сенинг файзинг мухитидан бутун борлиқ ҳаракатда,
Ва эй сенинг икки ҳарф ила амрингдан икки олам бир рақам
бўлди.

Хожа Исмаат Бухорий қуръон маърифатини англаган ҳолда оламнинг яралиши икки ҳарф “коф” ва “нун” яъни “**كُن**” “кун “бўл” деган бир сўз билан бўлди, - деб таъкидлайди.

Боб якунида ишлаб чиқилган хулосалар сифатида Хожа Исмаат Бухорий темурийлар даврининг йирик алломаси, темурийзодаларнинг мураббийси, устози ва маслакдоши ижтимоий-маданий ҳаётда ўз ўрнига эга давлат аъёнларидан бири бўлганлиги, темурийзодаларнинг адолатли давлат бошқарувларида, уларнинг инсонпарвар сиёсат юритишларида хайрихоҳ, жоҳиллик ва зулмкорликларида тўғри йўл кўрсатувчи маслакдош, Иброҳим Султоннинг қайин отаси ва устози сифатида ҳам яқин ҳамкорликда бўлганлиги таъкидланади. Хожа Исмаат Бухорий Мирзо Улуғбек академияси вакиллари билан доимий ҳамсуҳбат, Мирзо Улуғбекнинг эътиборидаги алломалардан биридир. Мутафаккир шоир қасидаларида темурийзодаларнинг хислат ва фазилатларини, давлатни бошқарувидаги услублари, салоҳиятларини, халқ билан муносабатларини, ижтимоий борлиқдаги фаолиятларга хайрихоҳликларини, уларнинг илм-фан, маърифат, иймон, эътиқоддаги тутумларининг ижтимоий онгга таъсирларини, жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга уйғунлигини очиб берган. Ягона тавҳид ғоясига ишонган ва бошқаларни шу ғоя атрофида бирлашишга чақирган, ҳар қандай мутаассибликни қоралаган.

Диссертациянинг **“Хожа Исмаат Бухорий қарашларининг инсон камолотидаги аҳамияти”** деб номланган учинчи бобида инсон камолоти, хотиржамлик, илоҳий ишқ, аллома меросининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатлари ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни таҳлил этилган.

Хожа Исмаат Бухорийнинг “Исмаат” лақаби “поклик”, “ҳалоллик” маъносини беради. Зеро, Хожа Исмаат Бухорий бутун умрини ҳалоллик ва поклик билан яшаган. Исломнинг иймон, эътиқодга, эзгуликка, ҳалолликка, покликка, бағрикенглик, инсонпарварликка чорловчи ғояларини ўз асарларида халққа яқин бўлган тилда етказишга интилиб яшади. У ўзининг бир ғазалида шундай ёзади:

Тани озурдаи Исмаат ба таманнои хаёл,
Хамчу мўре ба роҳи мусулмон менишаст.

Мазмунан таржимаси:

Исмаатнинг озурда тани орзу-хаёл таманносидаким,
Мусулмон тутган йўлни чумоли сингари танлади.

Хожа Исмаат Бухорий исломнинг инсонпарвар йўлини танлаган. Шу маънода унинг меросида диний-фалсафий масалалар ечимида аҳли сунна ва жамоа эътиқоди асосидаги мўътадил ахлоқий-тарбиявий ғоялар талқинини кузатиш мумкинлиги таъкидлайди.

Мутафаккир меросининг экзистенциал моҳиятида инсон ҳаётининг маъноси, мазмуни, тириклик неъматининг баҳоси ўз ифодасини топади. Хожа Исмат Бухорий бу ҳақда:

Муроди одами аз зиндаги ҳаст хотиржами,
Агар чунун набуд зиндаги чи кор ояд.

Мазмунан таржимаси:

Одамнинг мурод-мақсади хотиржамликда яшашдир,
Агар шундай бўлмаса ҳаёт нимага ҳам ярайди?- деб уқтиради.

Хожа Исмат Бухорий ўрта асрлар хусусан Амир Темур вафотидан кейин темурийзодалар давридаги тожу-тахт учун курашлар, жамият ҳаётидаги ноқисликлар, инсоний муносабатлардаги дарз кетган қадриятларнинг гувоҳи бўлган. Ўзи саройда яшасада фақирона хотиржам ҳаёт кечиришни маъқул кўрган. Подшоҳлик мулкидан маънавий мулкнинг улуғлигини таъкидлаган:

Аҳли фазлро жониб мақсуд роҳи дигар аст,
Мулк маъинро фаруғ аз подшоҳи дигар аст.

Мазмунан таржимаси:

Фозил аҳли учун мақсад муҳим ўзгача йўлдир,
Маънавий мулк подшоҳликдан устундир.

Демак, мутафаккир фикрича, фозил кишилар учун ҳар қандай бойлик маънавий бойликдан устун бўлолмайди, инсоннинг руҳий-маънавий оламининг бойлиги уни яхши яшаш, жамиятда, кишилар орасида ўз ўрнига эга бўлишга йўл очади. Инсонларни иймонли, эътиқодли, ҳалол, пок, маърифатли бўлишга ундайди. Бу фазилатларга эга бўлган шахслардан иборат жамият одил ва маънавий барқарор бўлиб фаровонликка олиб боради.

